



Рус босқини ва Туркистоннинг мудофаа кудрати жуда катта тарихий воқеа бўлиб, бу тарихий воқеалар тўлалигича ва атрофлича ўрганувчиларини кутмоқда. Руслар бу даврнинг тарихига оид ҳужжатларни тўплаб, нашр этишга астойдил киришганлар (В.А. Межов, Туркестанский сборник, Сочинении и статьи относящиеся до Средней Азии вообще и Туркестанского края в особенности, СПб, 1878-88; А.Г. Серебников, Туркестанский край, Сборник материалов для истории его завоевания (1840 - 1852), Ташкент, 1912, 1916.). Хива ва Кўкон давлат архивлари истилодан сўнг мусодара қилиниб, Петер-бургга жўнатилгани учун аслида, Туркистонда ҳужжатлар қолмади (П.П. Иванов, Архив Хивинских ханов XIX века, Ленинград, 1940, 10-6. Хива хонлиги архивини фон Кауфман 1873 йили мусодара қилдиргани маълум. Анна И.Троицкая, Каталог архива кокандских ханов XIX века, Москва, 1968. 582-6. Кўкон архивининг асосий қисми тахминан 1875 йилда талон-торож қилинган. Соғ қолган материаллар рус қисмлари раҳбарлари томонидан 1876 йили Петербургга жўнатилган. Бу архив 1939 йилгача тадқиқотчиларга номаълум бўлиб, аралаш-қуралаш ҳолида сақланган эди. Қаранг: Троицкая, 3-4-б.). Рус тарихчиларининг нашр этган архив ҳужжатлари ёки хонликлар архивларининг тузилган каталоги Туркистон хонликлари билан Русия орасидаги дипломатик қурашларга ёки урушга доир маълумотларни ўз ичига қамраб ололмаган, Бухоро амирлигининг архиви ҳам қойиб бўлди (Бухоро амирлигининг Самарқанддаги архивига 1868 йили босиб олиниш мақоми бўйича қўл урилган эди. Ҳозиргача бу архив на каталоглаштирилган ва на афкор оммага аён қилинган. Амирликнинг Бухородаги архиви 1920 йили Қизил армия томонидан мусодара қилиниб, унинг жуда оз қисми Бухорода қолдирилди. Архивнинг бир қисми 1920 - 1921 йилларда амир билан бирга Қобулга келтирилди. Кейинги зикр этилган архив материалларини 1968 йил майида излай

бошладим. Маълум бўлишича, архив муҳофаза қилинар экан. Бартольд 1920 йилдан кейин Бухорода бўлганида уруш даврида китоб ва васикаларнинг 1920 йили ёниб кетганлигини афсус билан баён қилди. Киёсланг: Togan, Viigunkii..., Истанбул, 1942,-405 - 406-б. Бухорода 27 кутубхона мавжуд бўлиб, уларнинг баъъдлари сомонийлар даврида қурилган эди.).

Бу бобда Туркистон тупрокларидаги 42 йилли қурушнинг бир қисмини ёритишига уриндик. Эиди мағлубият сабабларини ўргансак бўлади. Кўпчиликка маълумки, туркистонликлар уруш асносида «ўлим оташи рўпарасида ўзларини йўқотмади, ўлдилар, лекин таслим бўлмадилар. Аммо қудратли оташ шиддатидан қутулишнинг иложи йўқ эди(Костенко, Туркестанский край. Опмт военностатического обозрения туркестанского военного округа; СПб., 1880, 288-б.). Скобелевнинг бу борадаги фикри шундай: «Шуни эсда тутиш керакки, биз Ўрта Осиёни олтин билан эмас, аксинча, билим ва тиг билан ишғол этдик(Гродеков, Война, II., 42-б.). Шунинг учун Туркистоннинг «руслар тарафидан осонликча ишғоли»(Kurat, Rusya Tarihi, 352-б.) ва юзасидан ҳар хил игво бўхтонлар ҳамда ҳақиқатни билмаслик, рус манбаларидан фойдаланиш оқибати сифатида баҳоланиши керак. Чунки Туркистон осонликча жон бергани йўқ. Туркистоннинг истилоси учун жалб қилинган қуч ва унинг енгилиши ҳар икки томон учун ҳам машаққатли бўлди. Бу босқин жуда-жуда кўпчилиги туркистонликлар бўлган сон-саноксиз кишиларнинг ҳаётига зомин бўлди ва 1715 йилдан 1895 йилгача бўлган узок муддатда Туркистоннинг маданий марказларини харобага айлантирди. Князь Лобанов-Ростовскийнинг таъбири билан айтганда, «Туркистоннинг босиб олиниши, рус империясининг ҳаракати билан ислом давлатларини мунтазам ҳарбий сафарлар воситасида мустамлака занжирига боғланиши ва ҳарбий қуч воситасида ерларини кенгайтириш» деб ҳисобланиши керак(Prince A.Lobanov Rostovski, Russian Imparializm in Asian. Its origin evolution and character «the Slavonic and East European Review» London, 1929, No22, 31-б.). Туркистоннинг ижтимоий, маданий ва сиёсий тузилиши баъзи жихатдан русларнинг галабасини осонлаштирди. Мағлубиятдан аввал Туркистон халқининг ижти-мой ва ўзига ҳос ҳаёти хатардан холи эди. Инглиз сайёҳи Александр Бёрнс Бухоро сафаридан қайтгач, ўрус манбалари ҳам такрорлаб турадиган қуйидаги хабарни берди:

«Осиёликларга ҳос табиий саҳийлик ва очиккўнгил-лик Оврўпода учрамайди. Энг қуйи табақадан тортиб, энг юқори табақача ҳамма нарсани, ҳатто бир бурда нонигача ўзаро бўлишадилар. Мусулмонларда эътиборли кишилар билан фақирлар ўртасида фарқ йўқ, айникса, давлат ишлари бўйича муносабатларда хон бир кишлоки каби соддадир(Александр Бёрнс. Путешествие в Бухару (1822 - 1833] III., СПб. 1850, 29 - 30-б. Костенко, Средняя Азия, 81-б.). Бу қўли очиклик халқнинг фаровонлиги туфайли давом этарди. Аҳоли, асосан, дехқончилик ва чорвачилик билан шугулланар эди. Дехқончилик ва чорва маҳсулотлари мамлакат эҳтиёжини қондирибгина қолмай, ташки савдода ҳам муҳим рол ўйнарди. Туркистон бош волилиги (Хива, Бухоро ва Дашт бош волилиги бундан истисно) 1870 - 80 йилларда сунъий сугориладиган 1 738 000 гектар ерга эга эди. Худди ўша йилларда Хиндистонда 1 788 000, Мисрда 1 053 000 гектар сунъий сугориладиган ерлар бор эди(Аминова А., Экономическое развитие Средней Азии. Колониальный период, ОНУ, 1968, 61 - 63-б.). Рус истилосидан аввал Туркистонда халқнинг фаровон ҳаётини таъминлашнинг асоси бўлган 4 671 000 гектар сунъий сугориладиган ер мавжуд эди(B.Hayit, Die wirtschafts probleme Turkestans, 86-б.). Шу боисдан сартлар (ўзбеклар) орасида жуда оз йўқсил бўлиб, ҳеч бир тиланчи йўқ эди. Туркистонда бир бурда нон, ким нонидан маҳрум бўлса, ўша одам билан баҳам кўрилар

эди(Костенко, Туркестанский край., 373-6.). Насибани топиб ейиш ҳам кийин эмас эди. Масалан, экин ери кам бўлган Хазар хавзасининг Шаркида 1856 йили бир пуд (16,8 кг) бугдой факат 20 тийин, 1 пуд пахта 2 с. 70 тийин эди. Уруш иктисодий ҳаётга катта зарар етказган бўлишига карамай, 1866 йили Тошкентда ярим килограмм кўзи гўштининг бахоси 2-3,5 тийин, битта тухумнинг нархи бир тийин эди(Галкин М., Этнографические и исторический материал по Средней Азии и Оренбургскому краю, СПб., 1869, 45-46 б.). Ердан фойдаланишда шариатга таяниларди. Шариат коидаларига кўра ер давлат мулки (амлок) - даштлар, ўрмонлар, кўл, дарё ва экилмаган ерлар шахсий мулк ва диний мулк (вакф) деб тақсимланар эди. Хусусий мулк мерос бўлиб ўтар эди. Вакф ерлари хусусий бўла олмас эди(Атрофлича маълумот учун қаранг: М.М. Ростиславов, Очерки видов земельной собственности, «Трудм третьего международного съезда Ориенталистов в Петербурге 1876 года», СПб., 1879. т. 1. 329 - 359-6.). Давлат мулки - ер одам-ларга ижарага берилиши мумкин эди. Кўчманчиларга тегишли ерлар жамият мулки ҳисобланарди, шундан кўринадики, бундай ерлар хусусий мулк тушунчасидан ташқарида эди. Зироатда ва зироатчиликда ерга боғланиб қолган қул - дехқонлар тизими бу ерда йўқ эди. Баъзи ҳукмдорларнинг ерларини ҳисобга олмасак, феодаллик йўли билан ерни қенгайтириш - ер эгали-ги ҳам йўқ эди. Масалан, Бухоро амири ёки Хива хони феодал деб ҳисобланса, унда шу ҳолатга эътиборни жалб қилиш керакки, уларнинг эгалик қилган ерининг ҳажми оқ подшонинг факат Мурғоб воҳасидаги еридан ҳам оз эди(Кисляков, 34-6., Бартольд, II., 425-6: «На Хива хонининг ва на Бухоро амирининг оқ подшонинг Мурғобдаги мулки қабил факат ўз шахсига тегишли ери йўқ эди»). Мачит, мадраса ва диний тарикатлар ҳукмдорлар ва хусусий мулкдорларга нисбатан қўпроқ унумли ер эгалари эдилар(С.Е. Толибеков. О патриархально-феодалных отношениях в кочевых народов, «Вопросм истории», 1955, №1, 83-6. «Кўчманчи хонликларнинг барчаси ҳам (XV - XVII юзйилликлар] хонники, сул-тонники ва бошқа шахсларга ҳос ер деган мулк эгасини билмас эди». А.Е. Еренов, Очерки по истории, 73-6. «Афсуски, қимнинг қанча ери борлигини кўрсатувчи аниқ бир маълумотга эга эмасмиз». Sergali E.Tolibekov, obsfestrenro-ekonomifeskikh stray, 121-6. «Кўчманчи қозоқларда ер мулки тушунчасининг ўзи йўқ. Ер уруғники ёки ўрдага тегишли бўлади»). Масалан, Хўжа Мухаммад Ислоҳ (Хўжа Жубайри 1563 йил 15 октябрида ўлган) нинг халафларига тегишли вакф ерлари 2500 гектар доирасида эди(П.П. Иванов, Хозяйство джубарских шейхов, М., 1954., 57-6.). Бу ерлардан қеладиған қирим диний мақсадлар (мачит, мадраса ва дарвешлар) учун харжланарди. Бундай вакф ерлари дехқонларга ижарага берилар ёки тарикат аъзолари томонидан ишланарди. Ердан маҳсулотларни йиғиб олишда қўплашиб ёрдам бериш (хашар) одатий ҳолат эди. Экиш, йиғиштириш, каналларни тозалаш, ариқ қазиш ишларида хашар усулидан фойдаланилар эди. Яна бир қанча одамлар қўнғилли бўлиб, ёрдам учун қақирларди. Хашарда иштирок этганларга овқатдан ташқари иш қақи берилмас эди. Бу одат туркистонлиқлар ижтимоий ҳаётига ҳос бўлиб, балқи дунё тарихида ўхшаши йўқ ҳодиса эди(Қишлоқ аҳлидаги хашар одати қиска муддатли ёмғир ва иссиқ қунлардан сўнг ҳосилни тез йиғиштириб олиш ва ишчи қучи танқислигини қоплашга жуда қулай эди. Бу одат хашарчиларга овқатдан бўлақ ҳеч қандай ҳақ тўланмаслиги билан ўзига ҳосдир. Дунёда бошқа бирор миллатда қана шундай қўп қишилар йиғилиб, ихтиёрий ёрдам бериш удуми борлигини мен қила олмадим.). Сугориш учун ажратиладиған сув ҳам шариатга таянған ҳолда тақсимланар эди. Сув Аллоҳники деб ҳисобларди улар. Уни ишлатишга белғили шартлар асосида рўхсат этилар эди(Тўлиқ маълумот учун қаранг: Did Bewässerung swift schaft in Turan und ihre Anwendung in der

Landkultur, Jena, 1915, 55 - 56 6. Hayit, Die wirtschaftsprobleme, 82 - 83 6.). Сув конунини ислом шариатида Султон Санжар идорасидаги салжук турклари (1057 -1157) киритганлар(Osman Turan, Prof, Selfuklular Tarihi, 1965, 248-6.). Сувдан фойдаланиш ҳукуки катъий бир конун холига келган эди, чунки сунъий сугориш шуни такозо килар эди.

Туркистон шаҳарлари жаҳоннинг бошқа ерларидаги каби тижорат, санъат ва бошқарув марказлари эди. Айни замонда улар маънавий ҳаётнинг таянч нуктаси (мадрасалар, кутубхоналар) бўлиб, илм, дин кишиларининг ва шоирларнинг тўпланадиган жойи ҳамда меъморчи-лик маркази ҳисобланарди. Туркистон шаҳарларидан Чимкент, Авлиёота, Ясса (Туркистон), Тошкент, Хўжанд, Андижон, Ўш, Асака, Кўкон, Косон, Чуст, Самарканд, Бухоро, Шахрисабз, Карши, Жиззах, Каттакўргон, Хисор, Термиз, Кармана, Хива, Урганч, Кунгирот, Марв, Вазир, Хазорасп ва бошқалар буюк бир ўтмишга эга бўлибгина қолмай, Туркистоннинг замонавий ва маданий ўчоқлари ҳам эди. Ўзган (Корахонийлар пойтахти), Ахсикент, Ўтрор, Сайрам каби баъзи шаҳарлар аҳолисининг бош-қа томонларга кўчиб кетиши натижасида XVII асрдаёқ ўз мавкеларини йўқота бошлаган эди. Аксинча, Наманган, Гўктепа, Кўкон Жалолобод, Шахрихон, Китоб каби шаҳарлар маданиятнинг янги марказлари сифатида майдонга чиқа бошладилар. Давлатни бошқариш тамомида бошлигининг кўлида бўлиб, у мамлакатни ўз истагича идора қилар эди. Учала хонликда (Бухоро, Хива, Кўкон) давлат раисларидан (хон ёки амир) ташқари кенг мухтор ҳақ-хуқуққа эга бўлган (ўлим жазоси истисно) вилоятларнинг ҳукмдорлари (бек ёки ҳокимлар) бор эди. Улар тез-тез марказий ҳокимиятга боғлиқ эмасликларини кўрсатиш учун ёки мустақил бўлиш учун ҳаракат қилардилар.

Козок юзларида салтанат уруғ раҳбарлари кўлида эди. Ўзининг мустақил ҳукмронлигини ўрнатиш учун бекларнинг олиб борган курашлари омманинг яхлит давлат тушунчасига путур етказарди. Оддий халқ хонларнинг фармонларидан кўра ўзларига яқинроқ бўлган бекларнинг, ҳокимларнинг ёки уруғ бошлиқларининг қарорларига муҳтож эди. Шунинг учун ҳам вилоят ҳукмдорлари марказий ҳукуматга қарши кўзгалган-да, омма орасидан етарли миқдорда қуч тўплай оларди. Давлатни бошқариш ижроси бош вазир (деворбеги ёки қушбеги) кўлида эди. Хонлар ноибларини маҳаллий зодагонлардан танлаб қўярди. Хонларнинг ўзи эса ворислик силсиласи ҳуқуқига кўра сайланар эди. Шунинг учун ҳам бош нозир ақлли қобилятли эски қуллардан ҳам, масалан, Бухорода, танланиши мумкин эди. Шайхулислом давлатнинг алоҳида салоҳиятли бир шахси сифатида эътиборга эга бўлган. Унинг қарори ҳатто ҳукмдорга ҳам тааллуқли эди. XVI юзйилликдан бери давлат ишлари билан дин бир-биридан ажралмаган ҳолда эди. Шу боис шайхулислом хон ҳузурида тиз қўқиши мумкин эмас, аксинча, хон ҳузурида ҳар қим, ҳатто маъмурлар ҳам аввал шайхулисломга таъзим қилишга мажбурдирлар. Туркистон ҳукмдорлари орасида Бухоро амирлари ўзларининг хос хизматчиларига қатта аҳамият беришарди(Хаников бўйича (Описание) амирнинг шахсий эҳтиёжлари учун қуйидаги ходимликлар мавжуд эди: қўлга сув қуювчилари, ти-қувчиси, соатчиси, кутубхоначи, шарбатчи, қабул қилувчи мутасадди, амирнинг саломловчилари (3 киши: қотиб иккаласи вазифасини бажаришга қиршарди], амирни уйқу пайтидаги йўриқчиси, овқат тайёрловчи бақовул.).

Ҳукмдорларнинг бирортаси ҳам асосий конун (конституция)га боғлиқ эмасди (бундай конун мутлақо бўлган эмас). Барчаси ислом конунлари асосида ўз раъй ва виждонидан келиб чиқиб, шариат доирасида иш тутарди. Сиёсат ва имон - бири иккинчисининг ажралмас қисми бўлиб, бири иккинчисини ҳимоя қиларди(Костенко, Средняя, 81-6.). Хонлар (амирлар) беклар ва қабила оксоқолларидан ташкил топган Қурултойда

сайланар ёки тахтдан туширилар эди. Халк ҳукмдорга итоат этарди, аммо уни ҳурмат қилмасди, ҳатто бўйсунидан бош тортарди. Хонлар ва беклар агар сафарда бўлмаса, шахслар орасидаги низоларни, уларнинг қайси синфга мансублигидан қатъи назар, арзини тинглаб ечишга мажбурдирлар.

Туркистон давлатларининг ҳарбий қурилиши замонавий урушнинг йўналиши ва идорасига мос эмас эди. Тинчлик вақтида кўшинда мунтазам аскарӣй машқлар бўлмасди. Аскарлар ва зобитлар ўлимига қадар хизмат қила оларди. Фақат уруш бўлгандагина миршаблар сафарбарлик ҳолатига келтириларди. Маҳкамалар сафарбар қилинган аскарларни от ва қийим билан таъминлаши лозим. Кўшин ихтиёрида милтик ва санчки ҳамда рус оташ отувчи қуроллари олдидан ожиз бўлган оз миқдордаги тўп мавжуд эди. Русия эса узок муддат ўз қуролларини янгилашга қаратди. Туркистон хонликлари Оврўпонинг янги қурол техникасидан узок эди. Хонликларнинг кўшини сувори, пиёда ва оз миқдордаги тўпчилардан ташкил топган. Аскарлар урушда «ўлдирган гози, ўлган шахид» деган ислом шиоридан илҳомланиб, жасорат кўрсатар эдилар. Маълумки, туркилар тарих майдонига чиққан вақтидан бери урушдан асло кўркмасдилар (Турклар ўзига хос ҳарбий санъат соҳибӣ эканлигини тарих тасдиқлайди. Улар ҳеч қачон урушдан ва жангдан кўркмаганлар. Аммо бу баъзи муаллифлар, жумладан, Вамбери қабилар айтганидай, вайронгарчилик келтириш билан мутлақо алоқаси йўқ.). Уруш ҳадиси ва йўригини олган аскарлар душман рўпарасида тўда-тўда бўлиб тўпланиб, жанг қилишни тавсия қиларди. Жасур жангчилар душманга қоплондай ташланар, тезда нобуд бўларди, чунки зич тўда рус қуролларига яхши нишон эди.

Ислом туркистонлиқлар учун фақат бир дин сифатидагина эмас, балки туркистонлиқларнинг турмуш тарзи ҳам эди. Маълумки, Туркистон исломнинг энг машҳур диний марказларидан бири бўлган. Исломнинг энг буюқ сиймоларида исмоил Бухорӣй (исломнинг гоят машҳур шарҳдовчиси), Форобӣй (ислом файласуфи), шариат ҳуқуқининг муаллифи Термизӣй ва бошқалар шу ерда таваллуд топиб, ислом фикрларини тарқатдилар (Хозирги кунда ҳам ислом бу сиймоларни сарфи назар қила олмайди). Рус истилосидан аввал Туркистонда ислом диний марказлари бўлган 595 тадан ортиқ мадрасалар бор эди (Hayit, Turkestan in XX Jahrhundert. 305-6.). XVI асрдан эътиборан асосан Бухорода дунёвий илм соҳаларида ўзгаришлар кўзга ташланарди, яъни дунёвий илм тармоқлари ҳа-нуз дарс дастурларидан тўлиқ ўрин олмаган эди. XIX юзйилликнинг бошларида мадрасаларда назм, тарих, жугрофия, метафизика, математика ва мунозара илмлари ўргатиларди (Хаников. Описание, 220 - 221 б.). Табиӣйки, бу дарслар дастлабки пайтлардаги ҳажмда эмасди. Чунки ҳамма мадрасалар чикими диний вақфлардан тушадиган даромад ҳисобидан эканлиги ўзини кўрсатарди. Муслмонлар ислом динига ишонади ва амал қиладиган мўминлардир. Фақатуларнинг кўпчилиги ислом таълимотини ўз диллари билан идрок қила олмасди. Бир ҳовуч дин пешволари ислом таълимотини шахсан ўзлари белгиларди. Уларнинг вазифалари намоз ўқитиш, диний маросимларни ўтказиш (жаноза, уйланиш) ва болаларни ўқитишдан иборат эди. Холбуки, улар муслмонларнинг ижтимоӣй вазифалари мавзусида иш олиб боришлари ҳам зарурдир. Бу хонлиқларда эса ижтимоӣй онгнинг юксалишига тўсик бўлган шахсларнинг мавқеи кўтарилди. Айниқса, ислом дин раҳбарларининг таҳдиқали тадбирларидан бири бир хонлиқнинг иккинчисига қарши урушга қатъо бериши эдики, бу мудофъа даврларида Туркистон муслмонларининг қучини қесарди, заифлаштирарди. Рус ҳужумлари вақтида ички урушларнинг тўхтатилишига, худбин ҳукмдорларни инсофга келтириш ва бирлаштиришга, имкон бўлгани ҳолда дин пешволари бу ишга қиришмади, чунки улар бу

масаланинг Туркистон ҳаётида нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниб етмадилар. Дин пешволари халққа фақат «жиход» фикрини сингдирди, халқ ҳам бунга тайёр эди. Аммо раҳбарлар ва дин арбоблари бу катта кучни ташкил қилиб, унга керакли даражада бир шакл, бичим беришга ожиз эдилар.

Мусулмонлар орасида нақшбандийлик тарикати жуда нуфузли бўлиб, унинг маркази Бухоро эди. Дарвешлар, эшонлар ва шайхлар фақат Бухорода эмас, балки бутун Ўрта Шарқда фаолият кўрсатардилар. Тарикат ўзини тасаввуфнинг бир қисми ҳисоблаб, дунёвий масалаларга жуда оз эътибор берарди. Мадрасалар пештоқида шундай лавҳалар учрарди: «Илмни ўрганиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир». Бирок тахминан XVI асрдан эътиборан диний арбобларнинг кўпчилиги бунга фақат ислом дини илмларини ўрганиш деб тушунарди. Агар мусулмонлар дунё тараққиётида иштирок этишни қўлдан бой берган бўлсалар, бу фанатик дин одамларининг ўз ўлчови бўйича фанатизмга йўналтиришнинг оқибатидир. Аслида, ислом бир дин сифатида бунга жавобгар эмас. Мадрасалар ҳамда бошқа диний ўқув даргоҳларида барча дин вакиллари муштарак иш олиб борардилар. Нима бўлганда ҳам Пайгамбаримиз(с.а.в.) нинг «ўз миллатини севмагanning имони йўқдир» ҳадисига биноан турклар ўз миллатларини ҳимоя қилиши керак бўлса ҳам ҳеч кимса туркларни асосий планга қўйишни ҳаёлига ҳам келтирмасди. «Миллат» сўзи «мўмин сўзи маъноси билан Қориштирилиб, «миллат»нинг маъноси Муҳаммад уммати деган умумий маънога келтирилди. Руслар мусулмонлар орасига аввалроқ қўлга киритган мусулмон ўлкалардаги кишилардан жосусларни жойлаштирдилар. Рус императорлиги хизматида бўлган баъзи мусулмонлар дин никобидан фойдаланиб, диний қардошларини Русияга оғдиришга уриндилар. Туркистон ҳукумати ўз нуфузи доирасида ҳам мусулмонларнинг бирлигини ҳимоя қилишдан ожиз эди. Туркистондаги мусулмонлар орасидаги парчаланиш фақат уларгагина хос бўлмай, балки бутун ислом дунёсига хос ҳодиса эди. Ислом оламида дунё ишларига бефарқлик қоида тусини олди. Ислом динини бундай янглиш тафсири, унинг Туркистондаги мағлубиятига сабаб бўлди. Бир рус ёзувчисининг айтишича, рус бошчилари бу ҳусусда қуйидаги фикрларни ўзлаштириб олгандилар: «Москва подшолигининг яқиндагина Осиё қароқчиларига - хонликларга қарши ҳар томонлама олиб борган юзйиллик уруши, ҳар жихатдан аввало, мусулмончиликка қарши қаратилгандир. Буюк славян дарёсини («Волга» назарда тутиляпти - муаллиф) ҳокимиятимиз остига олиш, Хазар, Азов, Қора денгиз кечувларининг қўлга киритилиши... бошқа муваффақиятлар қатори Муҳаммаднинг зулматли ҳокимиятига қарши ортодоксал русларнинг зафари эди. Русиянинг тарихий тараққиётдаги ҳар бир қадами ислом учун бир ўлим зарбасини билдиради»(Марков Е., Россия в Средней Азии, СПб., 1901 476-6. Немис исломшуноси проф. Бекер қуйидаги фикрни ёқлайди: «Русия исломга қарши қурашда буюклашди». Киёсланг: Hayit, Turkestan in XX Jahrhundert, S. 305, dipnot 908. Vambery. Der Islam im neunzehnten Jahrhundert, Leipzig, 1875, 293-бетда Русия ҳозиргача исломга қучли зарба берган яққою ягона қуч эканлигини ва бу бошлаган иши билан у исломнинг узлуксиз ҳормас душмани бўлиб қолишини баён қилган.). Туркистондаги ислом дини йўлбошчилари бу зарбага тайёр эмасди. Агар шу зарба қутилганда ҳам Русиянинг қудратига (аҳоли нуфузи), замонавий қурул, ҳарбий захирага қарши тура оладиган ҳолатда эмас эди. Бошқа томондан эса ислом динининг ҳаётда чуқур илдиз отганлиги, 42 йиллик қуруллу урушининг чўзилиб кетиши, рус ҳокимияти остида бўлса ҳам ўзича осойишта яшаш орзусидан маҳрум қила олмади. Туркистон ерида ислом динини ҳимоя қилиш учун мусулмон дунёси ҳам жуда заиф эди.

Ислоннинг кўзга кўринган ягона кучи бўлган усмонлилар ҳам Русияга қарши урушларда жугрофий узоклик туфайли ўзаро мулоқот ўрната олмадилар. Бошқа ислон давлатлари аслида Оврўпо нуфузи остида эди. Оврўпо нуфуздан фориғ бўлганлари эса заиф бўлишлари билан бирга ўзаро урушлар ва ўзларининг инкирозига замин тайёрлар эди. «Оврўпо эса Туркистондаги Русия истилосига томошабин бўлиб турарди. Давлатлари ҳам кучсиз бўлганлиги сабабли бу ҳолат олдида ислон дини ҳаракатсиз қолди ва қарши тадбирлар кўра олмади». Бундан келиб чиқадики, на ислон олами ўзаро боғлиқлиги тўғрисида ва на Туркистон мавзуси билан боғлиқ «панисломизм» даъво қилувчилар бор эди. Аслида, бундай ҳаракатнинг ўзи йўқ эди (Мухаммад Зоҳир Беғиев, Мовароуннаҳрга саёҳат, Қозон, 1908, 52-6. Ушбу муаллиф 31-бетда шундай ёзади: «Ислон хонликлари тарихининг саҳифалари ўз қонларига беланган».).

Маданий иншоотлар (каналлар, қарвонсаройлар, мадрасалар ва масжидлар) қурилиши рус босқинчиларидан, аввал бўлгани қаби истило даврида ҳам давом этди. Бу маданий фаолиятнинг тафсилотларига тўхталмасдан, XIX асрда бир қатор мадраса ва шу қаби иншоотлар қад ростлаганини ишорада кўрсатиб ўтаман (Юқорида зикр этилган иншоотлар XIX аср маданияти нуқтаи назаридан жуда муҳимдир. Тош ҳовли 1838 йили бунёд қилиниб, 163 ҳона, 3 қатта, 2 қичик саройдан иборат эди. Меъморлар хивалиқ Нурмуҳаммад уста Тожи ва Қаландар Хивақийлар эди. Саройбозор эса 105 ҳонали бўлиб, ёнида қарвонсарой ҳам бор эди. У 1832 - 1833 йилларда қурилган. Оллоқулихон мадрасаси (1834 - 1835) 30 ҳонали бўлиб, икки қаватли эди. Қутлимурод Инок мадрасаси (1804 - 1812). Мухаммадаминхон мадрасасининг қаландлиги 25 метр бўлиб, 1852 - 1853 йилда иншо этилган. Қонқалъа 6250 м² майдонни эгаллаб, 10 дарвозаси бор эди. 1842 йили бунёд қилинган. Буларнинг ҳаммаси Хива шаҳрида қурилган. Қиёс: Н.Қаландаров ва бошқалар, Қоразм, қаттиқ саравонқик қутеводитель, Ташкент, 1962., 54 - 64-6. Бундан ташқари, Қорасувда Қорачинор мадрасаси (1862), Андиқон атрофида Қўқонқишлоқ мадрасаси (1865), Қаттақўрғон мадрасалари (1804); 1870 йилгача Ўратепада бта мадраса, Қанги-отада 3та мадраса (1835-60) ва бошқалар. Қиёс қилинг: Қ.Е. Бендриков, Очерки по истории народного образования в Туркестане. - Москва: 1960, 52-6.

Қўқон хонлигида маданий фаолият Мухаммад Али қамонида (1822 - 1842) Қўқондаги энг қатта мадраса қурилиши ва Қонарик иншоотини қуриш охирига етқазилди. Қудоёрхон қамонида ҳам шундай ҳаракатлар сезилади. Масалан, ўрда қиноси, қанал қурилиши қаби. Шулардан бири 1868 йилда ишга туширилган Улуғнор қаналидир. Қиёсланг: II, 1, 289 - 290-6. Қакат Қоразмдагина 1865 йилда Қилич Ниёзбой ёпи 1831 йили Эски Урганч ёпи 1856 - 1864 йилларда Тўртқўл ёплари вужудга қелтирилди. Яна қиёсланг: Иванов, Очерки, 150-6.).

Моддий маданият билан бир қаторда маънавий ҳаётни белғиловчи шоирлар ҳам фаолият кўрсатарди. Шеърят анчагина ривожланган эди. Мир Алишер Навоий шеъряти кейинги авлодга ўрнақ вазифасини ўтади. Шоирларнинг бир қисми икки тилда ижод қиларди (туркча-тожикча). XIX юзйиллик бошларида Қўқон хони Умархон саройида Нодира, Увайсий қаби аёл шоирлар ҳам бор эди (Barthold II, I. 289-бет. Умархон ўзи шоир бўлиб, Озодий тақаллуси билан ёзарди. Умархон давридаги адабий муҳит ҳақида қаранг: В.Найит, Die Jiingste, «Central Asiatic Journal». 1962, VII 2, 121 - 124-6.). XVI асрнинг охиридаёқ қакат Бухоро ва Самарқанднинг ўзида 320дан ортиқ шоир яшарди. XIX асрда эса Бухорода 100 нафардан ортиқ шоирлар бор эди (Материалм третьего объединенной научной конференции, 182 - 190 бетлар. А.Муталлибов, Тухфат ул-ақбоб фи тақкират ул

асхоб, Тошкент, 1946. Бу асарда шоирларнинг исм-шарифлари ва асарларидан намуналар нашр этилган.). Хивада Муҳаммад Раҳимхоннинг саройида эса 40дан ортиқ шоир ижод қиларди(Хива хони Муҳаммад Раҳимхон «Феруз» таҳаллуси билан асарлар ёзган шоир эди. Хива хонлиги шоирларидан Шермуҳаммад Аваз ўғли Мунис (1778 -1829) Муҳаммад Ризо Эрнийез ўғли - Оғахий (1809 - 1874) кенг шухрат қозонган эди. Тарихга оид бирмунча асарларни номи зикр қилинганлар яратган эди. Кўпроқ маълумот учун қаранг: В.Абдуллаев, Ўзбек адабиёти тарихи, П., Тошкент, 1964, 236 - 265-6 (Мунис ҳақида), 347 - 380-бетлар (Оғахий ҳақида). Уларнинг тарихий асарларига доир маълумот Bartold, т. 285-6.). Туркистоннинг бошқа диёрларида ҳам жуда кўп ҳисобсиз шоирлар ўз ижодий фаолиятларини давом эттирардилар(Туркистон шоирлари орасида қуйида номи қайд қилинганлар, айниқса, машҳур бўлган: Махтумқули (тахм. 1735 - 1780) ўзининг лирик, фалсафий, маърифий ва диний шеърлари билан халқ орасида танилган. Киёсланг: Spuler, Yemeinsamkeit der (West) innerausiatischen Enwicklung seit 1600, «Al Bittig», XXXII, 1-2 сонлари, 182-6. Махтумқули ҳақида яна қаранг: Махтумқули, Сборник статей, ношир А.Кекилов, Ашхабад, 1960, 272-6. Махтумқулининг (таҳаллуси Фирогий) қайта-қайта нашр қилинган қатор асарларидан энг муқаммали Мурод Дурди Қози (Техрон, 1967 й.) тарафидан чиқарилган «Қуллийети Ҳазрат Махтумқули - Фирогий» асаридир. Бу асар матни ўз аслига мос. Махтумқудидан бошқа яна қуйидагиларнинг номини тилга олиш мумкин: Қамина (1770 - 1840), Мулла Дулат Боботой (1802 - 1871), Муҳаммад Ўтамиш (1804 - 1846), Шернийез Жарилғаш (1817 - 1881), Шортонбой Қунай (1818 - 1881), Бердимурод Қарғабой (1824 - 1901) ва бошқалар.). Шоирлар ўзлари яшаётган муҳитни англашга ва ўша давр муаммолари билан машғул бўлиб, уни таҳлил қилиш ҳамда тушунтиришга интидилар.

Уларнинг кўпчилиги табиатшунос, файласуф ва фольклоршунослар бўлиб, матбаа соҳаси ҳали умуман йўқлигидан уларнинг асарлари тор доирадаги ўқувчилар орасидагина тарқалди. Шунга қарамай, «Хикмат» асарлари ва Сўфи Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг, Оллоёрнинг асарлари халқ орасида шухрат қозонган эди. Бухоро мадрасаларида Навоий асарлари мунтазам ўқитиларди. Омма рухий озукани мистик ривоятлар билан бир қаторда «Манас», «Алпомиш» каби миллий дostonлардан оларди. Дoston яратувчи ва айтувчиларнинг гуруҳи бўларди. Қирғизларда «Манас ҳикоятчилари» (Манасчи), бошқаларда «бахши»лар(«Бахши» сўзи санскритча бўлиб, «ўқитувчи» ёки «билимли одам» маъносини билдиради. Киёсланг: Радлов, Опытг словаря, 2., 1445-6. Бу сўзни уйғурлар ишлатган. Туркистонда ҳозирги кунда бу сўз бирор мусикий асбоб (қўбиз, дўмбира, дутор) жўрлигида қахрамонлик дostonларини ўқийдиган одам тушунчасини беради. «Бахши» унвонига эга бўлиш учун қамида 20 та дoston билиш ва созанда бўлиш керак бўлади. Улар айни замонда шоир ҳамдир. Ҳар бир бахши қамида 5-7 йил давомида устозга шогирд тушиши керак. Улар тўлақонли санъаткор ҳисобланади.

Номдор бахшиларга ҳам фақат 7-10 шогирд етиштириш учун руҳ-сат берилган. Тўлиқ маълумот учун қаранг: Х.Зарипов, «Узбекский народный героический эпос». - Москва: 1947 й., 23-43 б.) ва «окин»лар(К.К. Юдахин. Қирғизча-русча лугат, Москва, 1965, 42-6. «Окин» сўзи овози бор, ёзувчи маъноларини ифодалайди. Окинлар бир замонлардаги каби ҳозир ҳам халқ дostonларини ўқувчи шоирлардир. Окинлар мусика асбоблари жўрлигида дoston ўқийдилар ёки ўз шеърларини ижро этишади. Окинларнинг Туркистон адабиётидаги ўрни ҳақида қаранг: Есмағамбет Исмаилов, Акинлар. - Алма-Ата: 1956, 17-97 б.) майдонга келди. Улар фақат дoston айтиш билангина чегара ланмай,

устасанъаткор, шоир ҳам ҳисобланар эди.

Рус истилосидан аввал ва истило даврида Туркистоннинг миллий кадриятлари ўзига хос эди. Уч халкнинг уюшмаси - турклар, тожиклар ва турклашган мўғуллар Туркистондаги ҳар бир давлатнинг асосий унсурлари жамланган эди. Шу билан бирга аҳолининг жуда кўпчилигини ташкил қилган турклар ҳоким унсур эди. У пайтда турклар туркликка мансублигини ҳис этарди, фақат аввало ўз уруги билан чамбарчас боғлиқ эди. Уруг улар учун ҳам миллат, ҳам мамлакат ва ҳаётнинг асоси эди. Турклар ва турклашган мўғуллар [булар микдор жihatдан озчиликни ташкил этарди) Кўкон ва Бухоро амирлигини вужудга келтирган халкнинг бир қисмини ташкил этиб, давлат ҳаётида хал қилувчи мавқега эга эди. Рус боскини даврида турк қавмлари (ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар ва туркманлар) мавжудликларини давом эттириш масаласида алоҳида роль ўйнадилар. Уларнинг орасида ўзбек хонадонлари теурийлар инқирозидан то рус истилосига қадар Туркистоннинг жуда катта қисмида давлат ташкил қилган ҳолда яшаб қелдилар.

Қозоқлар XIX асрнинг биринчи ярмида рус истилоси натижасида ўз давлат тузумини йўқотишди. Қирғизлар XIII асрда эски ватанлари Енисей (Янгисой дарё) билан Иртиш дарёси оралигидан қўчиб, Тянь-Шанга (Шарқий Туркистон], Олой водийси ва Фарғона водийсига жойлашдилар (История Қирғизи, I. - Фрунзе: 1963, 243-6.). Қозоқлар қадимдан Шарқий Туркистонда муҳим роль ўйнаганлари қабиле XIX асрдан эътиборан Кўкон хонлигида давлат идора этишда ҳам қатнашдилар. Туркманларнинг бир қисми Бухоро хонлиги, бошқа қисми эса Хива хонлигида яшар эди. Шу билан бирга, туркманларнинг яна бир катта қисми мустақил ҳаёт қечирарди. Бу мустақил уруглар, асосан, Амударё билан Ҳазар денгизи оралигининг чап тарафида жойлашган бўлиб, Эрон ва қўшнилари (Бухоро ҳамда Хива) билан тез-тез урушиб турардилар.

Ички урушлар фақат катта уруглар орасидагина бўлмай, қичик уруглар орасида ҳам бўлиб турарди. Масалан, 1835 - 1858 йиллардан қирғизларнинг сарибағиш ва бугу уруглари ўзаро яйлов талашиб уришдилар. Бугу уругининг манаси Бўронбой сарибағиш уругига қарши урушда Русиядан ёрдам сўради ва 10 000 юрт билан бирга Русия тобелигини қабул қилди(Sarkesyan, Geschichte der Orientalischen Volker, 340-6.). Икки уруг орасидаги уруш қўзилиб, 1864 йилгача давом этди. Алибек бошчилигидаги сарибағиш уруги Кўкон хонлиги тарафидан қўллаб-қувватланди, бугуларга эса Русия ёрдам берди. Қозоқларнинг қичик уруглари орасидаги ўзаро урушлар, айниқса, даҳшатли тусда бўларди. Қолиб қикқан уруг мағлубининг қорвасини қанимат (баримт) қилиб олар эдики, натижада мағлуб уруг иқтисодий жihatдан ниҳоятда танг қолга тушарди.

Туркманлар қорсларга қарши уруш қилганда, қўлга тушганларни қул қилиб қотарди. Шунинг учун рус ишқолидан аввал, яъни XIX аср бошларида Туркистон ва Бухоро амирлигида 50 000, Хива хонлигида 15 000 га яқин қорс қуллар қор эди(Аминов, Экономическое, 38-6.). Туркистонда қулчилик ўзига хос жihatларига эга эди. Қуллар қотиб олинач, уларга эркинлик берилиши қайрили (савоб) ҳисобланарди. Шу боис Бухорода анчагина қуллар қотиб олиниб, озод қилинганлиги маълум. Улар озод қилинқач, шу ерда қолиши ёки ватанига қайтиши ўз ихтиёрларида эди.

Бир давлат доирасидаги уруглар уруш ҳолатида бирқалиқда муқоффа уюштирар эдилар. Масалан, Тошқент ҳимоясида унинг уругидан Алиқул ва унинг бош қўмондонларидан бири қирғиз уругларидан бўлган Пўлатбек раҳбарлик қилишди. Рус истилоси даврида уруглар «давлат ичидаги давлат» эди. Уруг оқсоқоли ўз қайқиятига қўра иш тутарди. Давлат бошлиқи эса уларнинг қойдали қорорларига муқтож эди. Уруг оқсоқоллари ва

давлат бошлиги орасида бирликнинг йўқлиги русларнинг истило режаларини амалга оширишида кулайлик яратди. Бу бирликнинг йўқлиги русларга айрим шахсларни пора билан хоинликка ундашни ҳам осонлаштирди. Қўринадики, пора билан айрим ватанфурушларни қўлга олиш рус ҳарбий раҳбарларининг асосий қуролларидан бири бўлган. Анчагина туркистонлик ёки Туркистонда фаолият кўрсатган рус императорлигига мансуб мусулмонлар пора ҳисобига ўз ҳукмдоридан норози бўлганлиги учун ва ё ҳушомад қилиб, ўз миллатига, ўз давлатига оид сирларни ошқор қилганликлари маълум. Маъмурларнинг порага мойиллиги (уларнинг маошлари оз эди), савдогарлар гуруҳининг манфаатпарастлиги, ўз молларини йўқотмаслик ва русларнинг совгаларидан бебаҳра қолмаслик нияти ҳамда баъзи уруғ қатталарининг бошқалардан устунлик ҳисси - барчаси Туркистоннинг ижтимоий касали эди. Бу очқўзлик фақат Туркистонгагина хос жихат бўлмай, балки бутун мусулмонлар Шарқига ҳам хос бир хусусият эди. Бу ҳол Шарқ миллатларини Оврўпо давлатлари қўл остига ўтишида иш берди. Рус раҳбарияти ҳам баъзи инсонларнинг қалбини, шуурини оёқости қилиб, пора билан сотиб олдилар(Дакостаб, 2-бетда Осиёликлар ҳақида шундай дейди: «Сиёсий жосуслар миллатни ўз нуфузига олмоқ учун Шарқликлар наздида доим муваффақият қозонган, уларнинг дилини эгаллаб олган ва ақлдан оздирадиган энг яхши воситани ишга солдиларки, бу - порадири (пулдир).).

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан